



Мусулмон харидорлар виждонсиз ишлаб чиқарувчилар ёки нодон дўкон ходимларининг қурбонига айланмаслик учун халол, деб эълон қилинган маҳсулотлар ёрлигини диққат билан ўрганишлари лозим.

---

Козондаги супермаркетлардан бирида мусулмон харидор «халол» деган ёзувли тоқчада чўчка гўштини кўриб хайрон қолган шов-шувли ҳолатдан сўнг ижтимоий тармоқлар фойдаланувчилари шундай хулосага келди. Воқеа Татаристон пойтахтининг KazanMall номи энг йирик савдо марказида жойлашган «Лента» магазинида рўй берди. Топилмадан тушқунликка тушган харидорнинг сўзларига

кўра, супермаркет ходимлари халол махсулотларга мўлжалланган токчада мусулмонлар учун такикланган гўшни саклашга йўл қўйилмаслиги хақидаги эътирозини эътиборсиз қолдирган.

Баъзи фойдаланувчилар дўкон ходимлари тарафини олиб, бу воқеа мижозлардан бирининг айби тўфайли юз бериши мумкинлигини таъкидлашди: харидор ўз фикрини ўзгартириши ва дуч келган биринчи музлатгичга гўшт бўлагини қўйиб кетиши мумкин. Халол махсулотлар учун пештахта устида ётган бир бўлак чўчка гўшти Козон фукаросини газаблантирди. Фукаро Kazan Mall савдо марказидаги "Лента" дўконидаги мусулмонлар учун истеъмол қилиш такикланган гўшни қўрганини ижтимоий тармоқда маълум қилди. "Халол бўлимига сосиска олиш учун келиб, чўчка гўштини қўриб қолдим. Эътирозим "Лента" ходимлари томонидан эътиборсиз қолдирилди. «Лента» дўконларининг бундай катта занжири ходимлари қаерга қарашади?"- газабланади пост муаллифи. Сўнгги йилларда Россияда бундайлар никоби остида сотилаётган махсулотларнинг халоллиги хақида мусулмонларни йўлдан оздираётган қўплаб ҳолатлар қайд этилган. Яқинда овоза бўлган чўчка оксилени ўз ичига олган Орск гўшни қайта ишлаш заводининг "мусулмон" қолбасалари воқеаси ҳам бундан далолат беради.